

---

## РАСМИЙ МУНОСАБАТ

BAGDAD DRIVERS телеграм канали орқали эълон қилинган Бешкапа қишлоғи Бунёдкор кўчасидаги ҳолат юзасидан қуйдагиларни маълум қиламиз.

Пастки Бешкапа маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азизжон Мирзааҳмедовнинг маълумот беришича, айти дамда ушбу маҳаллада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-408-сонли қарорига асосан ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирда ҳудудга оқова ва ичимлик суви тармоғи тортиш ишлари бошлаб юборилган. Пудратчи ташкилот ходимлари бошқа бир кўчанинг ўрнига Бунёдкор кўчасида иш олиб боришгани учун ноқулайлик юзага келган. Мазкур муаммо икки кун ичида бартараф этилиши келишиб олинди.

2023-02-16 15:51:08